

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ  
**АХБОРОТ**

النشرة  
العلمية التالامية

SCIENTIFIC-ANALYTIC  
**BULLETIN**



4/2013

## Тахрир кенгаши:

Абдуллаев Р.В. (бош муҳаррир)	и.ф.д., проф.
Абдуҳалимов Б.А.	т.ф.д.
Акмалов Ш.И.	с.ф.н., доц.
Алиқулов Ҳ.	ф.ф.д., проф.
Аъзамхўжаев С.С.	т.ф.д., проф.
Зоҳидов Қ.Т.	т.ф.н.
Иброҳимов Н.	фил.ф.д., акад.
Исломов З.М.	фил.ф.д., проф.
Камилов К.С.	ф.ф.н.
Махсудов Д.Р. (масъул котиб)	т.ф.н.
Мухтаров Т.А.	фил.ф.д., проф.
Назаров Қ.Н.	ф.ф.д., проф.
Остонақулов И.	т.ф.д., доц.
Шермухамедова Н.А.	ф.ф.д., проф.
Ҳасанов А.А.	т.ф.д., проф.

## Тахрир ҳайъати:

Абдуллаев А.Ғ.	т.ф.н., доц.
Абдуллаев А.Б.	ф.ф.н., доц.
Арипова З.Ж.	т.ф.н.
Валиев Б.Н.	ф.ф.н., доц.
Мансуров А.Д.	
Оқилов С.Х.	т.ф.н., доц.
Содиқов З.	и.ф.н., доц.
Турсунов Н.Х.	техн.ф.н., доц.
Усмонов И.С.	т.ф.н., доц.
Раҳимжонов Д.О.	т.ф.н., доц.



## Мундарижа

Сўзбоши.....	3
--------------	---

### Педагогика, таълим ва тарбия

<b>З. Ходжагельдиева.</b> Современные требования к профессионально- педагогической компетентности педагога.....	4
<b>Д.Нарзикулова.</b> Педагогик конфликтларнинг яратувчанлик ва бузғунчилик хусусиятлари (умумтаълим мактаблари мисолида).....	6
<b>Ш.Искандаров.</b> Ўзбекистон арабларининг этник ўзликни англашига доир айрим мулоҳазалар.....	11
<b>Диншунослик (исломшунослик)нинг долзарб масалалари</b>	
<b>А.Хасанов, Д.Пирматов.</b> Сравнительный анализ религий древнего Египта и Месопотамии.....	14
<b>Р.Абриев.</b> Основные этапы развития исламской архитектуры на территории Узбекистана.....	18
<b>И.Турдиматова.</b> Қадимги Миср ва Месопотамия мифологияларидаги эсхатологик қарашлар.....	23

### Мозий ва алломалар мероси

<b>С.Жўраева.</b> Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида моддий маданият тарихи.....	28
<b>Х.Бердиев.</b> Чилустун жомеъ масжиди қурилиши тарихидан.....	33
<b>Ж.Каримов.</b> Марказий Осиёга яҳудийларнинг кириб келишига оид маълумотлар.....	36
<b>М.Мирзаева.</b> Салжуқийлар даврида таълим муассасалари ва маърифат масканлари тарихи.....	38
<b>Г.Саидова.</b> Илк туркий тафсиллар тарихи.....	42
<b>О.Ирисқулов.</b> XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанддаги мадрасалар фаолияти.....	47
<b>Э.Ражапов.</b> 1920 – 1924-йилларда Бухоро Халқ Совет республикаси (БХСР) миллий қўшини тарихидан.....	51
<b>Н.Тўраев.</b> Имом Мотуридийнинг Кембриж университети кутубхонасидаги қўлёзмаси хусусида.....	55

### Фалсафий фанлар, филология ва психология

<b>А.Қурбонов.</b> Трансчегаравий дарёлар: йирик гидротехник иншоотлардан фойдаланишдаги экологик муаммолар.....	58
<b>Ж.Юсубов.</b> Абу Наср Форобийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари.....	61
<b>А.Ҳожиев.</b> Ҳокимият легитимлиги тушунчаси.....	66

## ЎЗБЕКИСТОН АРАБЛАРИНИНГ ЭТНИК ЎЗЛИКНИ АНГЛАШИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

**Таянч иборалар:** этнос, миллат, этник тарих, ўзликни англаш, этник гуруҳ, этноним, этномаданият, миллий онг, тил, ҳунармандчилик, кийим-кечак, наббат, жадди, гиззи, бўҳнак.

XX аср охири – XXI асрнинг бошларида дунё харитасида ўзига хос туб ўзгаришлар юз берди. Дунёдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнлар, шунингдек, янги кашфиётларнинг яратилиши, фанда янги йўналишлар барпо этди. Жумладан, Ўзбекистон этнологияси фанида этногенез ва этник тарих муаммолари билан бирга, этник жараёнлар ва айниқса, турли тарихий–этнографик минтақалардаги айрим кам сонли халқларни ҳамда уларнинг миллий маданияти, урф-одати, анъанавий этномаданий, илмий-назарий методологияларини тадқиқ этиш каби масалаларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, Ўзбекистондаги турли миллатларнинг этник ўзлигини англаш мавзусини ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Жумладан, “миллий” ва “ўзликни англаш” тушунчалари кўпгина таҳлилий ҳамда танқидий муносабатларнинг шаклланишига олиб келган. “Миллийлик” тушунчаси ижтимоий-сиёсий жиҳатдан таҳлил қилинганда, жамиятнинг ижтимоий-тарихий тараққиёти мобайнида маълум бир миллат, элатнинг тили жойлашган ҳудуди, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, психологик ҳолати ва дунёқараш тузилмасини ўзида акс эттирган мураккаб воқелик сифатида намоён бўлади.

Ўз навбатида шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ўзликни англаш тўғрисидаги қарашлар узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу атаманинг илк бор милoddан аввалги IX асрда қадимги ҳинд эпосларида ишлатилганлиги тўғрисида илмий далиллар мавжуд. Ўзликни англаш тўғрисидаги психологик концепциялар дастлаб Ғарбда шаклланган бўлиб, А.Пфендер, Т.Липслар унинг асосчилари ҳисобланса, Россияда Е.Боборов, Л.Лопатин каби олимлар ҳам кўплаб тадқиқотлар олиб боришган. Ўзликни англаш XVII аср охир – XIX аср бошларида немис файласуфлари томонидан ҳам ривожлантирилган. Айниқса,

Аксарият олимлар ўз тадқиқот изланишларини Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган турли миллат ва элатларни ўрганишга бағишлаган. Жумладан, араб этноси ҳам кўплаб изланишлар объекти сифатида ўрганилган. Бироқ мазкур изланишлар умумийлиги ва муаммога бир ёқлама ёндошилган сабабли аниқ масалага ойдинлик киритилмаган. Мазкур мақолада келтирилган масалаларга оид олимлар изланишлари ўрганилиб, Ўзбекистон араблар ининг этник ўзлигини англашига доир айрим мулоҳазалар келтирилган.

Многие авторы посвятили свои исследования изучению образа жизни народов, проживающих в Узбекистане. Наряду с другими этносами, арабы также становились объектом исследования, поэтому учёными-этнографами был собран материал об их образе жизни, обычаях и обрядах. Однако в большинстве работ относительно численности арабов приводятся лишь общие цифры. В данной статье рассматриваются сведения по этнической истории, семейно-бытовой обрядности, о языке, национальной одежде, блюдах, а также проводятся сравнительные параллели в традиционной и религиозной обрядности узбеков и арабов.

Many authors have denoted their own researches to study folk lifestyle, living in Uzbekistan. Alongside with the other ethnos, the Arabs also became the object of the study so scientist-ethnographer was collected material about their lifestyle, customs and rite. However in majority of the work for the number Arab's happen to only general numerals. The given article is describes information on ethnic histories, household-home ceremony, language, national cloth, food, as well as comparative parallels in traditional and religious ceremonies of Arabs.

Декарт “Агар мен ҳар қандай нарса ва ҳодиса ҳақида фикр юритадиган бўлсам, аввало ўзимнинг субъект сифатидаги мавжудлигимни ҳис қиламан”, деб таъкидлайди<sup>1</sup>.

Нейдель 1947 йилгача тўплаган маълумотлари асосида миллий ўзликни англашни қуйидагича ифодалайди: “этнолингвистик жараёндаги вазият ўзаро маданий алоқаларнинг ўзгаришлари, бирор жойда тугал, қаердадир қайта намоён бўлиш, ўзликни англашни ифода этади”<sup>2</sup>.

Н.Чебоксаров бўлса, 1964 йили “Қадимий ва замонавий халқларнинг келиб чиқиш масаласи” мавзусидаги маълумотида миллий ўзликни англашни ўзига хос бир тушунча деб эътироф қилади. Унинг таъкидлашича, “ўзликни англаш тушунчасини” этноснинг бир сифати мисолида келтиради<sup>3</sup>. Уни тадқиқотларидан бироз вақт ўтгач миллий ўзликни англашга доир мукамалроқ

<sup>1</sup> Кўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва барқарор тараққиёт. – Т.: Akademiya. 2013. – Б. 20-21.

<sup>2</sup> Александренков Э.Г. «Этническое самосознание» или «этническая идентичность» // ЭО. 1996. № 3. – С. 21.

<sup>3</sup> Джарылгасинова Р.Ш. Теория этнического самосознания в советской этнографической науке (основные аспекты проблемы) // СЭ. 1987. № IV. С. 9–22.

таърифни рус олими Ю.Бромлей 1983 йилдаги “Очерки теории этноса” асарида илгари сурган. Унинг фикрича, “этносни аниқлашда барча инсонларни қадимдан бир ҳудуднинг авлоддан авлодга ўтиши, фақатгина бир хил хислатлари, фазилатлари эмас, балки уларнинг бир маданиятда (лисон жиҳатдан ҳам) ва руҳий жиҳатдан муаллақ бўлиши, жумладан, бошқа этник гуруҳлардан ўзлигини англашда фарқлинишини кўрсатади”.<sup>4</sup> Юқоридаги Бромлейнинг фикридан “ўзликни англаш” тушунчаси ҳар бир “этнос”да алоҳида аҳамиятга эга эканлигини фаҳмлаш мумкин. У маданият сўзига ҳам ўзига хос таъриф бера олган. Унинг фикрича, “маданият ва урф-одат ўчоғини қолдирувчи асосий боғловчи канал, бу оиладаги авлоддан-авлодга қолдирилаётган муносабатлар мажмуи” дир.<sup>5</sup> Ҳақиқатдан ҳам унинг илмий тадқиқот натижасида таъкидлаган сўзи асослидир. Чунки ҳар бир халқ учун миллий ўзликни сақлаш жараёнида оила муҳим ҳисобланади. Бу жараёни Ўзбекистонда яшаб келаётган диаспоралардан бири – арабларнинг турмуш-тарзи, урф-одат, анъанавий маросимларида кўришимиз мумкин.

А.Семеновнинг тахминича, Ўрта Осиё арабларининг бир қисми юқори табақа вакиллари истилочи, аскар ва ҳунармандлар бўлган дейди.<sup>6</sup> Мана бир неча асрлардан бери Ўзбекистонда яшаб келаётган арабларнинг биргина ҳунармандчилик анъаналари бунга мисол бўла олади. Масалан, араб гиламида жун матога ишлов бериш анъаналари сақланиб, оилавий мерос сифатида ўтиб келмоқда.

Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоғида 2007 йил май ойидаги фуқаролар йиғини маълумотига кўра, 1 январь 2007 йилда, бу ерда аҳоли сони 19000 киши ва уларнинг 10814 таси ўзини араб миллати вакили деб тан олган.<sup>7</sup> Қисқа муддат ичида аҳоли сонининг бу даражада кўпайиши, ҳудудда яшаш учун яхши шарт-шароитлар мавжудлиги ва ёшлар ўлими кам бўлганлигида, деб билса бўлади.

Араблар Ўзбекистоннинг Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларида алоҳида қишлоқ ёки маҳалларида яшайди. Айнан араблар ўзбек халқининг ажралмас

бир қисмига айланиши билан бирга, уларнинг сезиларли бир қисми ҳозирги кунгача этник ўзлигини сақлаб келмоқда.

Ўзликни англашнинг юқори поғонаси – бу миллий ўзликни англашдир. Миллий ўзликни англаш ҳар бир миллат вакилининг объективлашган борлиқда ўз ўрнини идрок этиши, ижтимоий-тарихий ва маънавий-маданий тараққиётда ўзининг яратувчанлик фаолияти, эвристик изланишлари, интеллектуал салоҳиятига боғлиқлигини, шунингдек ҳаёти ва фаолиятини тараққиёт талаблари зарурлигини англашидир. Миллат вакиллари ўртасида ижтимоий тараққиёт мақсадларида яқдиллик бўлиши миллий онг, ўзликни англашнинг бош талабидир. Шахс миллатнинг мақсадлари, ижтимоий тараққиёт ҳақидаги ғояларни қабул қилмай, у билан яқдил бўла олмайди.<sup>8</sup> Инсоннинг ўзлигини англаши “мен”ини ихтиёрий табиий-ижтимоий, зарурий тарзда намоён қилишга интилиши натижасидир. Демак, ихтиёрий фаолиятсиз ўзликни намоён қилиш мумкин эмас. “Ўзликни англаш акти билан ўзликни билиш предмети, яъни “мен”ини намоён этиш, тайёр реаллик эмас, мен ўзимни англаганимда, намоён қилганимда ўзимни яратаман; “мен” энг аввало воқелиқдир, фалсафий тафаккурнинг бутун тарихи ўзини англашга дунёни англаш йўли сифатида қараб келган”.<sup>9</sup>

Таниқли арабшунос олим С.Волиннинг ёзишича, «Ўрта Осиёда араб қишлоқларининг қанчалик кенг ёйилганлигини англаш учун минтақага оид ҳар қандай харитага назар ташлашнинг ўзи етарли бўлади. Чунки Ўрта Осиёнинг турли географик минтақаларида «Араб» ёки «Арабхона» номли қишлоқларни учратмаслик амри маҳол»<sup>10</sup>. Айниқса, XX аср бошларидаги баъзи изланиш ва тадқиқотлар Ўзбекистон ҳудудида араблар номи билан боғлиқ кўплаб қишлоқлар вужудга келганлигини кўрсатади. 1900 йилда рус тадқиқотчиси Н.Ситняковский Зарафшон воҳасидаги аҳоли манзиллари номларини рўйхатга олиб чиққан. Унинг рўйхатида 2800 дан ортиқ қишлоқ номлари қайд этилган. Мазкур 2800 қишлоқнинг 78 таси Араб номи билан боғлиқ бўлган қишлоқлардир.

<sup>8</sup> Кўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва барқарор тараққиёт. – Т.: Академиа. 2013. – Б. 20.

<sup>9</sup> Бердяев Н.А. Самопознание (опыт философской автобиографии). М. Международные отношения. 1999. – С. 297.

<sup>10</sup> Волин С.Л. К истории среднеазиатских арабов. Труды Института востоковедения АН СССР. Вып.36. М. – Л., 1941. – С.114.

<sup>4</sup> Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. – М., 1983. С. 57-58

<sup>5</sup> Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. М., 1983. С. 206.

<sup>6</sup> Семенов А.А. К проблеме национального размежевания Средней Азии. Ташкент, 1924. Стр. 6.

<sup>7</sup> М. А. Янес К вопросу об оценке национального самосознания арабского населения Узбекистана (результат этносоциологического анкетирования) – Т.: 2007. г. 164.

Масалан, «Араб» деб аталувчи қишлоқлар 12 та, «Араблар» 4 та, «Арабон» 14 та, «Арабхона» 40 та, шунингдек Арабтепа, Қўлдошараб, Мулкиараб, Чилонғу араб каби номлар ҳам шу рўйхатда келтирилган<sup>11</sup>.

Арабхона Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятларида учрайдиган қишлоқлар «Араблар яшайдиган жой», деб номланади<sup>12</sup>. Бухоро вилоятида рўйхатга олинган топонимлар 3000 дан ортиқ бўлиб, ана шу аҳоли манзилларининг 1/3 қисми этнотопонимлардир. Жумладан, биз тадқиқ қилган араб этноси билан боғлиқ Араб, Араба, Арабобод, Арабон, Арабқишлоқ, Араблар, Арабхона, Арабча сўзлардан ном олган қишлоқлар сони 72 ни ташкил қилади.<sup>13</sup>

Таниқли топонимист олим Тўра Нафасов Қашқадарё воҳасида жойлашган араб қишлоқлари сони 21 та эканлигини аниқлаган. Жумладан, Арабовул, Араббон, Араббон дарвоза, Арабсой, Арабтўда, Арабхона каби жой номларини киритиш мумкин. Арабхона номидаги қишлоқлар Қарши, Косон, Шаҳрисабз, Китоб туманларида ҳам мавжуд.

Ҳозирги вақтга келиб араблар ўз тили ва миллий кийимини жадал тарзда унитмоқда. Натижада араб ёшларининг бир неча асрлардан бери давом этиб келаётган араб тилининг унутилиши араб миллий урф-одатларини, миллий ўзликни англашга бўлган эътиборини йўқолишига сабаб бўлмоқда. Информаторларнинг таъкидлашича, кекса ёшли кишилар орасида миллий ўзликни англаш кучлироқ бўлганлиги сабабли, араб миллий маданиятининг таъсири йўқолиб кетишидан хавотирланиб гапиришади. Жумладан, Қашқадарё, Бухоро вилоятларига қарашли Жейнов, Жугари, Чаҳдари, Арабхона каби қишлоқларда аҳолининг бир неча фоизигина ўз она тилисини сақлаб қолган. Аммо уларнинг бугунги кунга келиб ўз она тили бўлган араб тилини унутилиши натижасида ўзбек ва тожик тилида кўпроқ мулоқат қилишади.

Ўзбекистон арабларининг миллий ўзлигини англаш ҳисси анъанавий миллий либосларида ҳам ўз аксини топиб келмоқда. XX асрнинг 80-йилларида тадқиқот ишларни олиб борган олим Ҳ.Исмоилов арабларнинг моддий маданиятини тадқиқ этиб, уларнинг ўзига хос

локал жиҳатларини таҳлил қилган. Чунки бирор бир олим Ҳ.Исмоилов каби арабларнинг миллий кийим кечакларининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил эта олмаган. Олимнинг таъкидлашича, кекса эркаклар – «наббат» ёки «жадди», кекса аёллар – бувилар «набба» ёки «жудо», ўрта ёшли эркаклар «сабайин», болали аёллар – «кадаса», ёш йигитлар – «рузъон», қизлар – «бинад», «бинт» киядилар<sup>14</sup>. Ўзбекистон арабларининг миллий либослари ҳозирги вақтга келиб аста-секин унутилмоқда, шу ўринда бир нарсани таъкидлаш жоизки, бошқа халқларда учрамайдиган бир жиҳат, яъни араб ёшлари кексайган сари миллий кийимларни кийиши кузатилади. Бу ҳам арабларнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Андхуй маҳалласида яшовчи хотин-қизлар миллий либосни ёқтиришади. Миллий либос уларга жуда ярашади. Тақинчоқ ва бошга кийиладиган буюмлардаги айричалик шундаки, улар қадимда кашф этилгани билан ажралиб туради. Аёлларнинг бошида бўҳнак бўлади. Бўҳнак гиззи-оқ лачак устидан кийилади. Бўҳнакнинг ҳилолсимон гўшаси салқи тақиб юрилган<sup>15</sup>. Икки яноқда эса жажжи кулчадек қилиб юмалоқланган куррак қўйилган. Куррак қора қўзининг биринчи қирқим жунидан тайёрланган. Сўнг катмола, деб аталувчи безаклар бош либосига зеб беради. Катмола фақат олтидан ишланган бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон арабларининг идентиклик (этник ўзликни англаш) ҳисси ҳозирги кунимизгача сақланиб қолган. Собиқ иттифоқ даврида олиб борилган сиёсий мафкуранинг таъсири натижасида арабларда миллий ўзликни англаш ҳиссининг йўқолишига олиб келган бўлса-да, мустақиллик йилларида уларнинг урф-одат ва анъанавий маросимларини сақлаб қолишга катта эътибор берилмоқда. Миллий ўзликни англаш ва барқарор тараққиёт Ўзбекистон мустақилликка эришгач, тарихан қисқа давр ичида араб оиласининг ижтимоий моддий ва маънавий ҳаётида қатор ижобий ўзгаришларни амалга оширишга сабаб бўлди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлганлар орасида жейновлик араб – Муродилло Саидовнинг юксак давлат мукофотига лойиқ кўрилгани фикримизнинг

<sup>11</sup> Караев С. Этнонимика. – Т., 1979. – С. 12-13.

<sup>12</sup> Қораев С. Ўзбекистон вилоятлар топонимлари. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2005. – Б. 84.

<sup>13</sup> Саидов М., Равшонов П. Жейнов тарихи. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 1996. – Б. 32.

<sup>14</sup> Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси. – Т.: Шарқ, 2012. – Б. 312.

<sup>15</sup> Дала ёзувлари Қашқадарё вилояти. Миришкор тумани, Жейнов қишлоғи. 2011. йил.

исботидир. Бугунги кунда Миришкор туманида арабларнинг анъана ва урф-одатларини сақлаш ва ривожлантиришга шу ҳудудда ташкил этилган Миллий маданий марказ ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Маданий марказ қошидаги Ал-арабия миллий этнографик бадий гуруҳи “Ўзбекистон – умумий уйимиз” фестивалларида миллий анъана ва қўшиқларни сақлаш ва ижроси учун бир неча бор танловлар ғолиби бўлган. Зеро, миллатлараро тотувлик энг катта бойлик дея эътироф этилган Ўзбекистонда, барча миллат ва элатлар қатори арабларнинг ўзлиги ва қадриятлари ривожланиш учун барча шароитлар яратилган.

#### Фойдаланилган адабиётлари рўйхати:

1. Кўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва барқарор тараққиёт. Т.: Akademiya. 2013. Б. 20-21.
2. Александренков Э.Г. «Этническое самосознание» или «этническая идентичность» // ЭО. 1996. № 3. С. 21.
3. Джарылгасинова Р.Ш. Теория этнического самосознания в советской этнографической науке (основные аспекты проблемы) // СЭ. 1987. № IV. С. 9–22.
4. Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. М., 1983. С. 57-58
5. Семенов А.А. К проблеме национального размежевания Средней Азии. Ташкент, 1924. Стр. 6.
6. Бердяев Н.А. Самопознание (опыт философской автобиографии). М. Международные отношения. 1999. С. 297.
7. Волин С.Л. К истории среднеазиатских арабов. Труды Института востоковедения АН СССР. Вып.36. М.-Л., 1941.- С.114.
8. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлар топонимлари. Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2005. Б. 84.
9. Саидов М., Равшонов П. Жейнов тарихи. Т., Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 1996. Б. 32.
10. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати, Т., Ўқитувчи. 1988. Б. 14-15.
11. Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси. Т.: Шарқ, 2012. Б. 312.
12. Дала ёзувлари Қашқадарё вилояти. Миришкор тумани, Жейнов қишлоғи. 2011. йил.

**Шерзод ИСКАНДАРОВ,**

Низомий номидаги ТДПУ  
катта илмий ходим-изланувчиси

## СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ РЕЛИГИЙ ДРЕВНЕГО ЕГИПТА И МЕСОПОТАМИИ.

**Ключевые слова:** плодородный полумесяц, боги, пантеон, жречество, мифология, Аменхотеп IV, Эхнатон, Ахетатон, законы Хаммурапи, антропоморфный, зооантропоморфный, Мардук, монолатрия, Древний Египет, Месопотамия.

Ранние цивилизации Древнего мира развились в Плодородном полумесяце (Fertile Crescent)<sup>1</sup> – идеальном месте для земледелия, торговли и постройки городов. Древнейшие из известных общин земледельцев и скотоводов возникли в Месопотамии (современный Ирак) в долинах рек Тигр и Евфрат. Первыми людьми, оседло поселившимися в Месопотамии были шумеры, которые создали своеобразную цивилизацию. А на берегах Нила развилась египетская цивилизация, просуществовавшая без серьезных изменений. Формы религии в обеих странах имели очень много общего, тем не менее, были и существенные различия.

Как и в Двуречье, у египтян сложились различные мифы о сотворении мира, создании богами людей из глины. Космогонических мифов у египтян было, видимо, много, и они противоречили друг другу. Возможно, что в каждой местности существовал свой миф о начале мира, где главная роль отводилась местному божеству<sup>2</sup>. Очень характерно, что в божественной паре земля – небо египтяне, в отличие других народов, считали небу женщиной, а землю мужчиной.

В Месопотамии возник один из древнейших мифов – о всемирном потопе. Но миф о потопе был чужд почти всем народам Африки, в том числе и египтянам. В других мифологических текстах Месопотамии говорится о создании первого человека по имени *Адапа* (его создал бог Эа), о потере человеком бессмертия, то есть о происхождении смерти. Эа хотел наделить Адапу

<sup>1</sup> «Fertile Crescent» (англ. Плодородный полумесяц) – условное название региона на Ближнем Востоке, в котором в зимние месяцы наблюдается повышенное количество осадков. Термин введен в научный оборот археологом Чикагского университета Джеймсом Генри Брэдестом в его книге «Древние летописи Египта» («Ancient Records of Egypt») в 1906 году. Местность была так названа из-за её богатой почвы и формы, напоминающей полумесяц.

<sup>2</sup> Токарев С.А. Религия в истории народов мира. – 4-е изд., испр. и доп. - М.: Политиздат, 1986. С. 311.